«ЛЕОНАРДО ДА ВИНЧИ» ЎЗБЕКИСТОНДА

Италия Президентининг Ўзбекистон Республикасига расмий сафари муносабати билан давлат санъат музейида кўргазма ташкил этилди. Ўзбекистон халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмаси, Маданият ишлари вазирлиги ва "Ўзбекистон-Италия" жамияти ҳамкорликда ташкил этган бу кўргазмада Уйғониш даври итальян рассомлари Леонардо да Винчи, Рафаэль Санти, Сандро Ботичелли, Доминико Гирландайо, Фра Беато Анжеликаларнинг дунёга машҳур асарлари нусхалари намойиш этилмоқда.

(ЎзА).

САКУРА БАНКИ ВАКОЛАТХОНАСИ ОЧИЛДИ

Куни кеча Тошкентда Японияниг машҳур Сакура банкининг ваколатхонаси очилди. Бунга республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг 1994 йил май ойида Японияга расмий ташрифи кунларида асос солинган эди.

Кўпдан кутилган воқеа содир бўлди. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бошқаруви раиси Рустам Азимов, республика Марказий банки раисининг ўринбосари Жамшид Қўчқоров ва Сакура банки бошқаруви раиси Кен-ичи Суемацуи муҳим ҳужжатга имзо чекдилар.

Банк ваколатхонасининг очилиши икки мамлакат банк тизимидаги ҳамкорликни юксалтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ.

ЯНГИ ИП ЙИГИРУВ ФАБРИКАСИ

Наманган вилоятининг Чортоқ туманида ўзбек-ҳинд ип йигирув қўшма корхонаси бунёд этиладиган бўлди. Корхона маҳсулоти асосан экспорт қилинади.

Яқинда вилоят ҳокимлигида Ҳиндистоннинг "Малва Каптонг Спиннинг Милла ЛТД" компанияси бошқаруви директори жаноб Джангинал Освал ва унинг ҳамроҳлари билан шу ҳақда келишилди.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

КИМНИНГ ҚОВУНИ ШИРИН БЎЛАДИ?

Бухоро азалдан ширин-шакар қовунлар юрти бўлган. Бироқ кейинги йилларда вилоятда қовун навлари камайиб кетганди. Шуни инобатга олиб, вилоятда август-сентябрь ойларида "Қовун сайли" ўтказиладиган бўлди.

Бухоро шаҳридаги Сомонийлар маданият ва истироҳат боғида ўтказиладиган бу тадбир ғолибларига "Дамас" автомашинаси, рангли телевизор, совутгич, магнитафон, қимматбаҳо гиламлар берилади.

Даврон БАҲРОНОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 3 май, шанба № 52 (22.136).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Узбекистон Президенти Ислом Каримов 2 май куни халқаро валюта жамғармаси тақсимловчи директорининг биринчи ўринбосари Стенли Фишер бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Президент Ислом Каримов мамлакатимиз билан халқаро валюта жамғармаси ўртасидаги ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётганини таъкидлар экан, Стенли Фишернинг мазкур ташрифи ўзаро алоқаларимизнинг янада мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этажагини айтди.

С. Фишер халқаро валюта жамғармаси Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатдан қониқиш ҳосил қилаётганини таъкидлади.

Учрашувда мамлакатимиз билан халқаро валюта жамғармаси ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни яна-

да ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Қабулда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Голишев, Бош вазир ўринбосари, молия вазири Б. Ҳамидов, Марказий банк бошқаруви раиси Ф. Муллажонов иштирок этди.

Шунингдек, қабул чоғида халқаро валюта жамғармасининг Ўзбекистондаги вакили Марк о'Брайн қатнашди.

***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 май куни Японияниг Сакура банки бошқаруви раиси Кен-ичи Суемацуни ҳам қабул қилди.

Президент Ислом Каримов дунёдаги энг йирик ва обрули банклардан бири ҳисобланган Сакура банкининг раҳбари билан ўзбек заминида кўришиб турганидан мамнун эканини билдирди.

— 1994 йили Японияга буюрган ташрифимиз чоғида кўплаб ҳужжатлар қаторида сизнинг банкингиз билан ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжат ҳам имзоланган эди. Мана энди мамлакатимизда Сакуранинг ваколатхонаси очилди. Бу маросимда сизнинг шахсан иштирок этишингиз эса янада қувончли воқеа, — деди Ислом Каримов.

Кен-ичи Суемацу Президент Ислом Каримов томонидан ўзига кўрсатилган самимият ва ишончдан фахр туйганини таъкидлади. Ўзбекистонда Сакура банки ваколатхонасининг очилиши икки мамлакат ҳамкорлигини янада кенгайтиришга ҳамда Ўзбекистон ва Япония халқлари ўртасидаги дўстлик



ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилажагини айтди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Сакура банки ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бошқаруви раиси Р. Азимов иштирок этди.

Маросимда Японияниг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Коуичи Обата ҳозир бўлди.

СУРАТЛАРДА: қабул пайтлари.
А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.
(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

И. Неъматовни Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Илҳомжон Неъматов Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил, 2 май.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

И. Неъматовга биринчи даражали Фавқулодда ва мухтор вакил дипломатик мартабасини бериш тўғрисида

Илҳомжон Неъматовга биринчи даражали Фавқулодда ва мухтор вакил дипломатик мартабаси берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил, 2 май.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ *АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт Москвага расмий ташриф билан келди. Россия пойтахтида у мамлакат ташқи ишлар вазири Евгений Примаков билан учрашди.*

* * *

☑ *Буюк Британияда умумий сайловлар бўлиб ўтди. Мамлакат қуйи палатасига 659 округдан депутатлар сайланди. Сўнгги маълумотларга кўра, Лейбористлар партияси ғалабага эришган, деб хабар беради Би-Би-Си телекомпанияси.*

* * *

☑ *Финляндия ва Эстония Президентлари шу йилнинг 1 майидан бошлаб икки давлат ўртасида виза тартиби бекор қилинганлигини эълон қилишди.*

* * *

☑ *Европа комиссияси озиқ-овқат хавфсизлигини назорат қилиш бўйича туб чоралар кўрилиши ҳақида хабар қилди.*

* * *

☑ *Жаҳон матбуоти хабарларига кўра, Жанубий Корея Президентининг ўғли пораҳўрликда айбланиб, қамоққа олиниши мумкин.*

* * *

☑ *Ла-Манш қўлтиғида Франция ҳарбий-денгиз флотининг ўзиюрар кемаси портлаб кетди.*

* * *

☑ *Ясир Арофат АҚШ Президентига расмий баёнотнома билан мурожаат қилиб, Американинг Яқин Шарқ муаммосини ҳал қилишда воситачилигини фаоллаштиришини талаб қилди.*

* * *

☑ *Канаданинг Виннепег шаҳарчаси аҳолиси сув тошқини хавфи туфайли бошқа жойларга кўчирилди.*

* * *

☑ *Миср атом энергияси бошқармаси раиси Ҳишом Фуад Иншас шаҳрида 22 мегаватт электр энергияси ишлаб чиқарадиган ва умумий қиймати 350 миллион жунайҳга тенг бўлган Миср-Аргентина қўшма реакторини шу йил охирларида ишга тушириш учун тайёргарлик бошлаб юборганлигини маълум қилди.*

* * *

☑ *Туркия Мудофаа вазирлигининг маълум қилишича, ушбу мамлакат ҳукумати Филиппинга «Ф-5» русумидаги қирувчи самолётларни сотишга қарор қилган.*

* * *

☑ *Хитой мамлакат ҳарбий ҳаво кучларини ислоҳ қилиш мақсадида махсус дастур ишлаб чиқди.*

ИТАЛИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Италия Республикаси Президенти Оскар Луиджи Скальфаро 2 май куни расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди.

Икки давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида Италия раҳбарини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов кутиб олди.

Миллий либосдаги қизлар олий мартабали меҳмонга анвойи гуллар тақдим этди.

Кутиб олиш маросимида Узбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

Олий мартабали меҳмонни кутиб олувчилар орасида Италиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Иоланда Брунетти Гостц хоним ҳам бор эди.

(ЎзА).

КАЙФИЯТИ АЪЛО ОДАМЛАР

(очерк)

Сурхондарё ўзи етиштирган пахта толасининг (воҳада йилига 400 минг тоннага яқин пахта ишлаб чиқарилади) икки фоизга яқинини ўзи қайта ишлайди.

«Сурхонтекстил» ҳиссадорлик жамияти 1996 йилда 1550 тонна атрофида пахта толасини қайта ишлади. 260 миллион сўмга яқин ялпи даромад (8 миллионга яқин соф фойда) олди.

Корхона, асосан, «бяз» деган мато ишлаб чиқаради. «Бяз», бу — чит, сатин дегани эмас. Маҳаллий тилда «бўз» деб аталадиган, шунчаки гулсиз мато. Корхона раҳбарияти матомизга гул босадиган машина олиб келамиз деб озмунча чопдими? Бўлмади. Ҳаракатлар зое кетди.

Лекин, ишни яхшилашга қаратилган ҳаракат тўхтаб қолмади. Корхонада СТБ-180-2 русумли 77 та ускуна-дастгоҳ ўрнатдилар. Бу дастгоҳдан чиқадиган бяз — 4794 артикулли матони жаҳон бозорига олиб кириш мумкин эди.

Янгича матога биринчи харидор Словакиянинг «Немекс» фирмаси бўлди. Ҳозир жаҳоннинг бошқа фирмалари билан олди-сотди муносабатлари ўрнатиладиган бўлиб турибди.

Хорижликларга танила бошлаганини ҳис қилган жамоа уйига иззатли меҳмон келганидан боши осмонга етган одам мисоли суяги енгил тортиб меҳнат қилмоқда.

* * *

Энди, ҳурматли газетхон, енгил тортиб меҳнат қилиш ишнинг хамирдан қил суғириш мисоли силлиқ кўчмаслигига, кўчмаётганига ишора маъносида юқорида ёзганларимизга илова тариқасида қуйидаги лавҳаларни иншо этсам.

ҚАТТИҚҚЎЛЛИК... ДИКТАТУРА ЭМАС

Маъмурий бинонинг кириб бораверишдаги жойида иш тақсимлагич — диспетчерлик хонаси бор. Корхона бошлиғи Маматёқуб Маҳмудов ҳар эрталаб икки соат шу хонада ўтириб ишлайди. Шу икки соат ўн олти соатлик иш кунининг, минг киши атрофидаги жамоа кайфиятининг, режа-ниятларнинг ва яна бир қадар муносабатларнинг об-ҳавосини белгилайди.

Эътибор қилинг: хонанинг бир бурчагида, одамлардан панароқ жойда оғирлигини бир оёғидан иккинчи оёғига алмаштириб ташлаб, кулранг камзули чўнтагидан қўлини чиқармай турган, кулранг сочи пешонасидан тўкила бошлаган барвастагина йигит ниҳоят, ютунганича Маҳмудовга рўпара келади. Ораларида неки гап бор — ўзларига аён. Йигитдан, чамаси, ножўяроқ гап, иш ўтган. Лекин отдан тушса ҳам, авзойидан, эгардан тушгиси йўқ.

— Бор, ишла, — дейди бошлиқ йигитнинг без бўлиб туришини хушламай. — Мен билан ҳазиллашма десам, мақтанган бўларман. Лекин... иш билан ҳазиллашма. Рўзғорингнинг, бола-чақангнинг ризқи билан ҳазиллашма. Қилмишинг учун ҳайдаб ҳам солмайман, ишлатаман. Тўғри, ишламаганингга қўймайман. Тўғри, ишламасанг, бошинггача тупроққа кўмиб қўяман. Бари-бир одам қиламан.

Бу гапни кутмаган эканми йигит чўнтагидан қўлини олди. Нимадир демоқчи бўлдию, тили айланмади. Юмшоққина қадам ташлаб, хонадан чиқиб кетди.

Маҳмудов ишчига қилган муомаласига аллақандай шарҳ бермоқчи бўлиб менга ўгирилган ҳам эдики, телефон жиринглаб қолди.

ТЎҒРИ ИШЛАШ — РОҲАТ-КУ!

Телефонда нуфузлироқ одамнинг овозини эшитибми, Маҳмудовнинг қовоғи юмшади. Кўнгилдан саломлашиб, сўрашдилар. Телефондаги одамнинг.

— Ҳай, фалончи... жиянингиз... Давлатингизда бир шўхлик қипти. Авф қилсангиз, — деган овози ғира-шира қулоғимга чалинади.

Маҳмудовнинг яна қоши чимирилди.

— Жиянингиз — хулиган. Ўғри, — деб жавоб қилди.

— Ҳай, бир болалик қиптида. Адашипти-да.

— Болалиги қурсин, ўттиз ёшга кирган, — деди Маҳмудов. — Айтсин эди-ёрдам қилардим. Ўғрини сиз олсангиз, мен олсам қанотимга. Ҳамма ёқни ўғри босиб кетмайдими сўнг. Келинг, ака, сизнинг раҳбарлигингизда тўғрироқ ишлайлик. Тўғри ишлаш — роҳат-ку!

Маҳмудов телефондаги одам билан хайр-маъзур қилмасдан трубкани жойига қўйди. Катта одамнинг раъйини қайтардим-да, деган истиҳоладан унда заррача нишона йўқ эди.

ИШНИНГ КЎЗИГА УРМОҚ КЕРАК

Фабриканинг кўча томонини ободонлаштиришга масъул одам Маматёқуб Маҳмудович деб бошлиқнинг исми-шарифини устма-уст такрорлаб, бугун бизга «Белорусь» трактори керак, бетон қоришма керак, деб қолди.

— Соатингиз неча бўлди ўзи, — деб сўради ундан Маҳмудов.

— Йигирматаси кам... тўққиз, — деди ҳалиги киши.

— Бизда «Белорусь» йўғ-а. Биласиз-а шуни. Билсангиз, нега шу гапни менга кеча айтмадингиз. Бугун, эрталаб, соат еттида айтмадингиз. «Белорус»ни энди кимдан сўрайман. Кимни топаман. Айтинг, нима қилиш керак?

— Маматёқуб Маҳмудович...

— Нима, Маматёқуб Маҳмудович... Маҳмудович-Паҳмудович эмасман. Гапга пардоз тақиб юргунча, ишласангиз... каллани ишлатсангиз бўлмайдими? Эй, ишнинг кўзини билиш керак. Ишнинг кўзига уриб ишлаш керак. Ишнинг кўзини билмаймизда, юрамиз сўнг бурун тортиб. Яна, Маҳмудович эмиш...

Маҳмудов соатига қаради. — Эҳ, тўққиз ярим. Мен ҳали «Шарқ юлдузи»га (жамоа хўжалигига) боришим керак. «Уполномочинний» эмишман.

— Хорижданми меҳмон келади деятувдингиз, — деб луқма қиламан.

— Ана кўринг. Ўзимнинг ишим бошимдан ошиб-тошиб турганда, чигит экиш кўнглимга сиғармиди? Бунинг устига чигит экишни билсам экан денг. Экишавермайдими ўзлари? Хўжаликнинг раиси ё агрономи келмайди-ку бизга «уполномочинний»ман деб...

Иккала телефон бараварига жиринглаб қолди. Маҳмудов менга қараб мийиғида кулди. Телефондан эшитган гапга қаҳ-қаҳа урди. У иккиуч соатдан бери ўрнидан қўзғалмай одамлар билан гапсўз қилиб ўтирган, чарчаган кишига ўхшамасди.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

УСТА ОЛИМНИНГ ОЛТИН МЕДАЛИ ҚАНИ?

Қўнғироқ

Марғилон шаҳар адабиёт ва санъат музейида сақланаётган ўта ноёб экспонат — буюк санъаткор Уста Олим Комиловга тегишли олтин медаль ғойиб бўлди. Ҳолбуки, бу олтин медаль маданиятимиз тарихига оид энг қимматли ашёлардан бири бўлиб, ушбу медаль Уста Олимга 1936 йили Лондонда ўтган халқаро санъат олимпиадасида берилган эди. Маълумки, Уста Олимнинг доира чертиш санъатига тан берган Британия қироличаси унинг сеҳргар қўлларидан гипснусха кўчиртирган ва бу нусха ҳамон Британия музейида сақланади. Устоз доирачининг она шаҳрида эса... Худди шу музейга қарашли яна бир экспонат, кўҳна извош аравани 1992 йили шаҳар ҳокимияти нечундир музейдан олдириб кетган ва шу тариқа извош ҳам йўқолган. Узоқ — қидир-қидирлардан сўнггина орадан беш йил ўтгач, бузилиб кетган извош шаҳар болалар боғидан топилди. Шуниси таажжубланарлики, Уста Олимнинг олтин медали ҳам музейдан 1981 йил 11 март куни ўғриланган. Аммо нечукдир, музей раҳбарияти содир бўлган ўғрилик ҳақида ҳуқуқ-тартибот идораларига хабар қилишни ўзига эп кўрмаган. Агар музей ходимларидан бири шаҳар прокуратурасига 1996 йили ёзган шикоят хатида бу фактни маълум қилмаса, ёпиқлиқ қозон ҳамон ёпиқлигича турарерармиди.

Афсуски, бундай ҳоллар Фарғона вилоятида ягона эмас. Яқинда Қўқон ўлкашунослик музейининг томи тешилиб номаълум шахслар бу ердан XVI-XIX асрлар Европа рассомлари ижодига мансуб 6 дона кўҳна, баҳоят қимматбаҳо портрет ва манзара суратларининг асл нусхаларини ўғрилаб кетишди. Дастлабки текширувлар суратлар сақланадиган залларда эҳтиёт чоралари тугал бўлмаганлигини аниқлади.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ҲАВАС» ТЕННИС ИХЛОСМАНДЛАРИНИ ТОШКЕНТ ЧОРЛАМОҚДА!

МУҲИМИ — ОММАВИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

Козим ТЎЛАГАНОВ,
Тошкент шаҳар ҳокими

— Мамлакатимиз пойтахтида яна бир хайрли тадбирни ўтказишга ҳозирлик кўрилмоқда. Ҳаммамизга маълумки, бултур юртбошимиз ташаббуси билан республика «Ҳавас» теннис мусобақаси ўтказилганди. Таъбир жоиз бўлса, донишмандлик шундаки, спортнинг дунё миқёсида энг ривожланган ва оммавий ҳисобланган теннис ва футбол турларини ҳар жиҳатдан кенг йўлга қўйиш йўлида саъй-ҳаракат қилинмоқда. Хусусан, футболга бағишланган муҳим қарорнинг қабул қилиниши ва унга мувофиқ вилоят ҳокимларини жойларда футбол федерацияларининг президентлари этиб тайинланиши спортнинг мазкур турини халқаро миқёслар даражасида ривожлантиришга йўл очгусидир.

Шунга ўхшаб «Ҳавас» мусобақасининг ўтказилаётгани ҳам мамлакатда теннисни ҳар жиҳатдан оммавийлаштириш, унга қизиқувчилар сафини кенгайтириш, одамлар саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган. Мусобақанинг «Ҳавас» деб аталиши ҳам бошқаларда унга қизиқишни уйғотишдир. Ўйлайманки, раҳбар ходимлар бу борада ибрат бўлишса, бошқалар ҳам уларга эргашиб сафимиз тобора кенгаяверади.

Тошкент «Ҳавас» иштирокчиларини кутиб олишга, мусобақани яхши ўтказишга тайёр. Пойтахтимизда теннис масканлари кўпайиб қолди. «Юнусобод», «Динамо», «Хадра» теннис гўшаларидан ташқари «Пахтакор» ўйингоҳи атрофидаги майдончалар ёки студент ёшларга мўлжалланган ўйингоҳлар кичик тўп ошуфталарига мунтазир. Шу кунларда эса Чорсуда яна бир ажойиб спорт мажмуи бунёд этилмоқда. Бу ерда ҳам теннис билан шуғулланиш учун шароит яратилади.

Ўтган йили мусобақада бироз тажрибасизлик қилгандим. Бу сафар машқларни тобига етказишга ҳаракат қиляпман. Хуллас, насиб қилса теннис ихлосмандлари билан «Динамо» стадиони кортларида учрашамиз.



КИЧИК ТЎП ОҲАНРАБОСИ

Баҳодир УМУРЗОҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазири

— Сирасини айтганда, «Ҳавас»ни яхши ўйлаб топишди. Чунки хизмат юзасидан хонада кўпроқ ўтиришга, мажлису йиғинларда қатнашишга, машинада юришга тўғри келади. Бу ҳаммаси табиат қўйнида камроқ бўлиш ҳамда камҳаракатликни юзага келтиради. Бир кун-икки кун эмас, сурункали давом этган ана шундай шароитда меҳнат қилиш эса кишининг асабини толиқтиради, соғлиғини бўшаштиради. Албатта, ёлғиз кўчага чиқиб югураверишни ҳамма ҳам ўзига эп билавермайди. Ёки велосипед миниб юрсанг кўпчиликнинг «ия» дейиши табиий. Ваҳоланки, ҳаракат —ҳаёт дейишади. Шу жиҳатдан қараганда, теннис ҳар томонлама бизга мос келяпти.

Енгил кийиниб, болаликни эслаб, табиат эпкинини ҳис этиш — жон озуғи. Бултурдан бошлаб ана шундай кайфиятда юрибмиз. Руҳимиз тетик, нафас олишларимиз, юрак уришлари жойида. Муҳими, турмуш тарзимиз ўзига хос маъно касб этмоқда. Кичик тўпнинг назаримда оҳанрабоси бордек. Чунки йиқилган курашга тўймас, деганларидек шеригингни ютиб қолсанг, кайфиятинг кўтарилиб кетади. Ютқизсанг, мағлубият аламини тортасан. Спорт — соғлом рақобатга чорлайди. Бултур ўтказилган мусобақа ва машқ пайтларида менда шундай ҳолат юзага келган. Шу боис, қандай бўлмасин республика мудофаа вазири Рустам Аҳмедовдан устун келиш пайида юрибман. Бу йилги мусобақада ниятимга эришсам, ажабмас.

Теннисни яна бир хосияти шундаки, вақтни беҳуда сарфлаб, нисбатан «ошхўрликдан» тийилишга, бу билан саломатликни мустаҳкамлашга имкон беряпти. Бўш вақтни кўпроқ теннис майдонида ўтказиш қандай мароқли. Бултур «Ўзбекистон овози» газетасининг «Энг чиройли ўйини учун» совринига сазовор бўлгандим. Бу сафар ҳам мукофотли ўринлардан бирига даъвогарлик қилиш ниятидаман.



«Динамо» кортлари теннис иштиёқмандларига мунтазир.

ИБРАТ

САМАРҚАНД. Қадимий ва навқирон шаҳарда бўлажак теннис байрамига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Жумладан, республика «Ҳавас» теннис турнирининг вилоят мусобақалари қизиқарли баҳсларга бой бўлди. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, ташкилот раҳбарлари ўз машқларини намойиш этиб, кучлилар қаторидан жой олишга уриндилар. Зеро, 32 нафар ўйинчидан бор-йўғи 4 нафар теннисчини Тошкентга, республика мусобақасига бориши учун ҳуқуқ бериларди. Шунинг учун ҳам ўзига хос рақобат юзага келди. Шаҳар ҳокими А. Носиров рақибларини ортда қолдириб, ғалаба қозонди. Вилоят ҳокимининг ўринбосари Илҳом Рашидов 2-ўринни эгаллади.

Мусобақага Г. Дяченко ҳакамлик қилди. Самарқанд теннисчилари Тошкентда ўтказиладиган кучлилар баҳсида ҳам бўш келмайдилар, деб умид қиламиз.

Ўсар АБДУРАҲИМОВ.

ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ ҲАМ АТАГАНИ БОР

ТОШКЕНТ. Куни кеча газета-журналлар ва радио-телевидение журналистлари ўртасида «Ҳавас» турнирини ёритишга бағишланган йиғилиш бўлди. Спорт журналистлари «Ҳавас» мусобакасининг ахамияти, унинг ташкилий томонларини ёритиш масалалари юзасидан маълумот олдилар. Мусобакани ёритиш бўйича матбуот маркази аъзолари билан танишдилар. Мазкур марказнинг рахбари — «Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана» рўзномаларининг бош мухаррири Азим Суюн каламкашларни қизиктирган саволларга жавоб берди. Кейин анъанага кўра газета тахририятлари хамда радио-телевидение, Ўзбекистон Ахборот агентлиги томонидан мусобака иштирокчиларига таъсис этиладиган совринлар хакида мулохаза юритилди. Улар орасида «Энг иродали ўйинчига», «Техник махорати учун», «Энг абжир ўйинчига» хамда «Кутилмаган ғалабаси учун» номли ва бошка совринлар бор.

Масъуда ЁҚУБОВА.

ҚОРАҚАЛПОҚ ЙИГИТЛАРИ БЎШ КЕЛМАС

НУКУС. Қорақалпоқ диёрида ҳам спортнинг теннис турига алоҳида эътибор қилинмоқда. Ҳозир шаҳар ва туманларда, корхона, идоралар қошида очилган теннис майдончалари гавжум. Бу ерларда республика «Ҳавас» теннис турнирининг саралаш учрашувлари ўтказиляпти. Ҳокимлар, вазирлар, идора ва бирлашмаларнинг раҳбарлари эса Нукус теннис мажмуида ўзаро баҳслашдилар. Мусобақа якунлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси ўринбосари Ражаббой Йўлдошев, республика Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари Қўнғиротбой Дошунбаев, Нукус шаҳар ҳокими Абдибек Аметов, Хўжайли тумани ҳокими Сафарбой Нурхожаевлар республика мусобақасига борадиган бўлишди. Мухлислар қорақалпоқ теннис ихлосмандларини совринли ўринларга даъвогарлик қиладилар, деган ниятдалар.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

«МАЪРИФАТ» МАРКАЗЛАРИ ТАРБИЯ МАКТАБЛАРИДИР

У кишилар онгида тиниқ тафаккурни шакллантиришга кўмаклашмоқда

Ҳаётга ҳамқадамлик, халққа ҳамнафаслик ҳаракату амалий ишларда кўринади. Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоларининг сиёсий билимларини ошириш, янгича фикрлашни чуқурлаштириш, аҳоли ўртасида мафкуравий ишларни ташкил этишни жонлантириш учун муқим, оммабоп масканларга эҳтиёж сезилди. Шундай пайтда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Андижон вилоят кенгаши мўлжални тўғри олиб, дадиллик ва фаоллик кўрсатди.

Етти ўлчаб бир кесилди. Аниқ мақсад, пухта режа билан иш тутилди. Жойлардаги партия ташкилотлари қошида «Маърифат» марказлари ташкил этиш ҳаракати бошланди. Шундай қилиб 1992 йилнинг охирларида янги тадбир қанот ёзди. Бу тадбир тажрибаси Узбекистон ХДП Андижон вилоят кенгаши ижроия бюросининг 1993 йил 21 февралдаги йиғилишида маъқулланиб, шаҳар, туман кенгашлари ва бошланғич партия ташкилотлари ҳузуридаги «Маърифат» марказлари кўрик-танловини ўтказишга қарор қилинди. «Маърифат» марказларининг намунавий низоми тасдиқланди.

Шундан кейин иш бир нуқтала туриб қолмади. Узбекистон ХДП вилоят кенгаши қуйи партия ташкилотларига «Маърифат» марказларининг кунгилдагидек хизмат кўрсата олиши учун, кўзда тутилган мақсадга эришиш учун мунтазам тавсиялар бериб боришга эътиборини қаратди. Партия фаолларининг шу йўналишдаги уқувлари ошириляпти. Машғулотларда мустақил мамлакатимиз ҳаётига ҳамнафасликка, Узбекистон Халқ демократик партияси дастурий мақсадларига, бозор иқтисодиёти янгиланишларига ҳамқадамликка кенг ўрин берилди.

Президент И. А. Каримовнинг халқ депутатлари Андижон вилоят кенгаши сессиясида билдирган мулоҳазалари «Маърифат» марказлари олдига ҳам муҳим вазифаларни қўяди. Айниқса, ёш авлодни ватанпарварлик, меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш, ёшлар учун янги иш ўринларини ташкил этиш, 9-синфни тугатаётган йигит-қизларнинг касбий тайёргарлигини ошириш каби масалалар «Маърифат» марказларининг иш режаси асосини ташкил этади.

Бўз туманидаги Навоий номли жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилоти томонидан барпо этилган «Маърифат» марказини бутун бир ҳаётий кўзгуга қиёслагулик. Бу ерда қизиққан саволингизга жавоб топилади. Авлоду аждодларимизнинг бой маданий мероси билан танишиш мумкин. Алишер Навоий асарларию «Темур тузуклари»ни мутолаа қилишингиз учун шароитлар старли. Маърифий адабиётлар диққатингизни тортади. Президент Фармонлари, Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Олий Мажлис сессияси материаллари алоҳида, тартиб билан жойлаштирилган...

«Маърифат» марказининг иш режаси, фаоллари бор. Кўп йиллик тажрибага эга бўлган Исроилжон ака Тўйчиев «Маърифат» марказининг жонкуяри. У Навоий номли жамоа хўжалиги ҳудудида 125 километр масофага газ қувурлари тортилиб, хонадонлар газлашгани, кейинги пайтда 422 ўринли мактаб, 90 ўринли болалар боғчаси ишга туширилгани, турар жойларга тоза ичимлик суви етиб боргани қишлоқ инфраструктураси ўзгараётганининг мисоли эканини завқ билан бошқаларга етказа билади.

Жамоа хўжалигидаги 10 та бригадага Узбекистон Халқ демократик партияси аъзолари бўлган миришкор деҳқонлар бошчилик қилишмоқда. Илғор бригадаларнинг эришган ютуқлари ҳақида «Партиядошларимиз муваффақияти» стенди ҳикоя қилади.

Узбекистон ХДП Хонобод шаҳар кенгаши қошидаги «Маърифат» марказида партиявий ҳаёт янада таъсирчан тарзда акс этган. Тараққийпарвар шоир Абдулҳамид Чўлпоннинг «Халқ — денгиздир, халқ — тўлқиндир, халқ — кучдир» деган ҳароратли мисралари бу жойга келганларнинг қалбини тўлқинлантиради. Адабиёт, илм-маърифатга ошно этади. Ватан учун ибратли ишлар қилишга чоғлантиради.

Бу ҳам «Маърифат» масканида ўзига хосликка интилишдир. Марказда сиёсий мунозаралар клуби доимий ишлаб турибди.

Андижон шаҳридаги темир йўл вагонлари депосининг «Маърифат» маркази ҳам кўпчиликка наф келтирмоқда.

Шаҳар маҳаллаларидаги ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари қошида «Маърифат» марказларига қараганда чоғроқ «Маърифат» ўйлари ташкил этилганлиги намунали ҳаракатнинг мисолидир.

Бошланғич партия ташкилотлари йиғилишлари, сиёсий уқишлар, партия фаоллари билан учрашувларнинг кўпинча «Маърифат» марказларида ўтказилиши ҳам яхши самара бермоқда.

Ҳаётий изланишлар янгиликка ривож бермоқда. Шаҳар ва туман кенгашлари партия ташкилотлари котибларининг давра суҳбатларида мавжуд «Маърифат» марказларининг фаолиятини янада такомиллаштириш, мавзу қамровини кенгайтириш хусусида қимматли фикр-мулоҳазаларни ўрганишга эътибор қаратилмоқда. Бу борада УзХДП Асака шаҳар кенгаши янгиликка ҳамқадам эканини кўрсатди. Мамлакатимиздаги гигант қўшма корхона — «УзДЭУавто» ҳақида «Истиқлол ва истиқбол» стенди ташкил этилиши кўпчиликнинг бу қўшма корхона тўғрисидаги тасаввурини бойитишга кўмаклашди.

Ҳозир вилоятда 200га яқин «Маърифат» марказлари ишлаб турибди. Кейинги вақтда ахборот бурчаклари, «Маърифат» уйлари ташкил этилгани ҳам шундай марказлар таркиб топиши учун пойдевор бўлмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши котибияти Узбекистон ХДП Андижон вилояти ташкилотларининг партиявий-сиёсий, мафкуравий ишлар таянч нуқталари — «Маърифат» марказларини вужудга келтиришга доир тажрибасини маъқуллаб, вилоят партия ташкилоти ижроия бюросига бу соҳадаги ишларни изчиллик билан давом эттириш хусусида тегишли йўл-йўриқлар берди. Бу «Маърифат» марказлари фаолиятини янада кучайтириш масъулиятини юклайди.

— «Маърифат» марказларини замонавий техника воситалари билан жиҳозлаш зарурлиги сезилмоқда, — дейди Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгашининг биринчи котиби, Олий Мажлис депутати Расулжон Мухторов. — Бундай масканларга компьютерлар ўрнатиш ҳаракатидамиз.

Буларнинг барчаси, шубҳасиз, «Маърифат» марказларининг фаолиятини ўн чандон оширади. Тафаккурнинг тиниқ бўлишига хизмат қилади!

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОНА

Миллат ва маънавият

Тўй тобора қизиб борарди. Никоҳ тўйига монанд қилиб нозик дид билан безатилган тўйхонада шоду хуррамлик ҳукмрон.

Бундан икки йил муқаддам шу ердан тўй соҳиби — дўстим Зоҳиржоннинг рафиқаси Роҳатхонни сўнгги йўлга кузатгандик, марҳумнинг маъракаларини ўтказгандик. Бугун эса ўғли — Тоҳиржоннинг никоҳ тўйи.

Тўйни маҳорат билан бошқараётган даврабоши навбатдаги қўшиқ тугаши билан тўй аҳлини садоқатни мадҳ этувчи ғазаллардан баҳраманд қилди. Кетидан арман шоирининг она юраги ҳақидаги шеърини улаб юборди. Сўнгра урф бўлган таомилга кўра даврага келин-куёвнинг оналари таклиф этилажагини эълон қилди. Бирдан хушёр тортдим: «Ий, бу ёғи қандай бўлди?! Даврабоши Тоҳиржоннинг онаси вафот этганлигидан, наҳотки хабардор қилинмаган бўлса?»..

Ёнимдаги даврадошим — шу маҳаллалик йигит масалани ойдинлаштирди: «Тўғри, Тоҳиржоннинг иккинчи онаси тўғрисида узоқ шаҳарда турадиган сизгина эмас, балки маҳалладагиларнинг ҳам кўпчилиги ҳали бехабар. Негаки, дўстингизнинг хонадонига Мунисхоннинг бека бўлиб келганига атиги икки ойча бўлди. Мунисхон шу маҳалламизнинг фарзанди, шу ерда ўсиб улғайган. Ота-онаси — худо раҳмат қилган бўлсин — яхши одамлар эди. Мунисхоннинг бефарзандлик сабабли биринчи турмуши бўлмаган. Шундан кейин турмушга чиқмади. Тўрт-беш йилдан буён маҳалламиздаги укасиникида туради. Касалхонада ҳамшира бўлиб ишлайди. Мунисхон жиянларини ювиб-тараб ўзини овутиб юрарди. Маҳалламиз оқсоқолларининг қистовига қарамай дўстингиз Зоҳиржон «Роҳатимнинг ўрнини босадигани энди топилмайди» деб Мунисхонга уйланишга анча вақт рўйхуш бермай келди. Тақдирлари қўшилган экан — охири кўнди. Мунисхон бу хонадонга келиши биланоқ институтни тугатганига икки-уч йил бўлиб қолган Тоҳиржонни уйлантириш ҳаракатига тушди. Бугун эса мана тўй. Бор гап шу, биродар».

Даврадошимнинг изоҳларидан кейин анча енгил тортдим. Энди бутун фикризикрим Роҳатхоннинг ўрнини босишга муносиб кўрилган ўша меҳрибон аёлни тезроқ кўриш эди.

Даврабошининг оналарни мадҳ этувчи узундан-узоқ ҳамду саноларини тинглаб туриб яна безовта бўла бошладим. Ҳозиргина менда фариштадек таассурот қолдирган Мунисхоннинг тасаввуримдаги хушсурат қиёфасини яна қора парда тўсди: даврабошининг куёвнинг онаси шаънига «оқ сут бериб вояга етказган, емай-едирган, киймай-кийдирган, ўқитиб билимдон қилган» деган таъриф-тавсифларини маҳаллада оқила деб танилган Мунисхон кўпчилик олдида қандай қилиб «ҳазм» қилар экан?!..

«Қани, қани марҳабо, марҳабо!» деган сўзлар хаёлимни бўлди. Даврага келин-куёвнинг оналари кириб келишди. Даврабоши

Беш кунлик дунё

тўй аҳлига уларни тантанавор таништирди... Ниҳоят фарзандларини табриклаш навбати куёвнинг «онаси» — Мунисхонга берилди. Бутун вужудим қулоққа айланди. Икки кўзим «оқ сут бериб боққан она»да эди.

Мунисхон синиқ овоз билан, оҳиста сўз бошлади. Тоҳиржоннинг ўзига муносиб умр йўлдоши топганидан беҳад хурсандлигини изҳор этди, келин-куёвга бахтли ҳаёт, серфарзандлик тилади. Бироқ унинг кўзига ёш қалқиб титроқ овоз билан айтган сўнгги сўзлари менинггина эмас, балки барчани лол қолдирди:

— Энди мен келинимизнинг онаси ёнидаги жойни, Тоҳиржоннинг онаси ҳақида айтилган сўзларни унинг ҳақиқий эгасига топшираман.

Даврага сукут чўкди. Ҳатто, у ёқдан — бу ёққа елиб-югуриб меҳмонга хизмат қилишаётганлар ҳам қўлларида патнису чойнак ушлаганча жой-жойларида бир зум таққа тўхташди. Мунисхон қўлтиғидаги алвон духобага ўралган буюм билан келин-куёв столига яқинлашди. Иккаласининг ҳам пешонасидан ўпди. Сўнгра яқиндаги ўриндиқлардан бирини келиннинг онаси ёнига жойлаштириб устига алвон духоба ичидаги чорқирра буюмни тик қилиб қўйди. Бу зархал рамкага ўрнатилган Роҳатхоннинг расми эди...

Юсуф МУҚИМБОЕВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.

ОСОЙИШТАЛИК ЙЎЛИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА 1996 ЙИЛДАГИ ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ АҲВОЛИГА ДОИР КЎРСАТКИЧЛАР

Кейинги вақтларда республикада барқарор вазият сақланиб қолмоқда ва у ҳуқуқ-тартибот идораларининг қатъий назорати остига олинган. Умумий жиноятчилик даражаси олдинги йилларга нисбатан пасайиб бораётгани кузатилмоқда. Агар жиноятчиликнинг ўсиш суръати 1992 йилда энг юқори «чўққи»га чиқиб, 93.626 та жиноят содир этилган бўлса, 1996 йилда бу кўрсаткич 65.980 тани ташкил этди.

Ўзбекистонда умумий жиноятчиликнинг аҳволи:



Шуни айтиш керакки, криминоген вазиятни аниқлашда ҳар 10.000 кишига нисбатан содир этилган жиноятлар сони муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Қиёслаш учун бир қатор Ҳамдўстлик давлатларида жиноятчиликнинг аҳволига оид маълумотларга назар ташлайлик.

Давлатлар	Содир этилган жиноятларнинг умумий сони 1995 й.	1996 й.	Ҳар 10.000 киши ҳисобига 1995 й.	1996 й.
Ўзбекистон	67026	65980	30	29
Белорусь	131761	127232	101	98
Украина	641860	617262	118	114
Қозоғистон	183913	183977	98	97
Россия	2.722.669	2.625.081	184	175

МДҲ давлатларида ҳар 10.000 киши ҳисобига жиноятчилик аҳволи қуйидагича:

Юқорида таъкидланганидек, республикамизда қонунбузарлик ҳолатлари йил сайин камайиб бормоқда. Аммо ҳамма жойларда ҳам аҳвол бирдек эмас. Тошкент шаҳри, Сирдарё, Навоий, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида жиноятчилик даражасининг нисбатан юқорилиги кузатилади.

Вилоятлар	Жиноятлар сони 1995 й.	1996 й.	Ҳар 10.000 кишига нисбатан 1995 й.	1996 й.
Тошкент ш.	19035	15219	76	72
Тошкент	7525	7743	33	34
Самарқанд	6111	7354	26	30
Сирдарё	2478	2448	40	39
Жиззах	2247	2041	26	23
Бухоро	3463	3274	27	24
Навоий	2628	2614	36	35
Фарғона	6691	6266	28	25
Андижон	4237	4001	22	20
Наманган	3453	3314	20	18
Сурхондарё	3042	2884	20	18
Қашқадарё	3264	3151	17	16
Хоразм	1538	1530	13	13
Қорақалпоғистон	2807	2452	19	17
Республика бўйича	67026	65980	30	29

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳар 10.000 кишига нисбатан жиноятчиликнинг аҳволи:



Статистик маълумотлар республикамизда жиноятчиликнинг кўпгина турлари, чунончи, қасддан одам ўлдириш (0,3 фоизга), оғир тан жароҳати етказиш (2,1 фоизга), ўғрилик (7,5 фоизга), талончилик (0,1 фоизга), босқинчилик (11,4 фоизга), безорилик (5,6 фоизга), транспорт воситаларини олиб қочиш (11,5 фоизга), транспорт воситаларини ўғрилаш (16,2 фоизга) ҳамда товламачилик (5,6 фоизга) ҳолатлари камайиб бораётганидан далолат беради. Ўтган йили жиноят содир этиш жамоат жойларида 7,9 фоиз, шу жумладан, кўча-кўйларда 11,5 фоизга камайганлигини айтиб ўтиш лозим. Айни вақтда зўрлаб номусга тегиш фактлари нисбатан кўпайганлиги кузатилади. 1996 йилда аввалги йилга қиёслаганда товламачилик жиноятлари 5,6 фоизга камайгани ҳолда кўп миқдорда фирибгарлик билан шуғулланиш даражаси1/3 баравар ўсган.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда ўғрилик, транспорт воситаларини олиб қочиш жиноятларини кескин камайишига эришилди. Бу фикрни тасдиқлайдиган мисоллар жуда кўп.

Транспорт воситаларини олиб қочиш динамикаси:



Транспорт воситаларини ўғрилашга оид маълумотлар:



Сўнгги 6 йил мобайнида вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик анча камайди. Агар 1992-йилда ўсмирлар томонидан ёки улар иштирокида 5.882 та жиноят содир этилган бўлса, 1996-йилда бу рақам 3.243 тани ташкил этди. Яъни 44,8 фоизга камайди.

Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик даражаси:



